

КВАРТИРА ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар,
икки минг йигирманчи йил январь ойининг, йигирма туртинчи куни

Ушбу шартнома Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Сунбула кўчаси 50-уй 50-квартирада жойлашган, Олмалик шаҳар 1-сонли Давлат нотариал идораси нотариус Манапов А.Ю. томонидан расмийлаштирилди.

Биз – Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Ипак йули кучасидаги 50-уй 50-квартирада доимий пропискада турувчи 01.09.1944 йилда туғилган **ЖУРАЕВ ЮЛДОШ** /СТИР 503201739, хорижий фуқаро учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси рақами ИР № 0032009 Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ИИБ томонидан 23.11.2004 йилда берилган/, бундан буён матнда СОТУВЧИ деб юритилувчи, бир тарафдан ва Тошкент вилояти Пискент тумани, И.Хайдаров ж/х, рақамсиз уйда доимий пропискада турувчи 05.04.1973 йилда туғилган **ОБЛОКУЛОВА ШОХИДА РУЗИБОВНА** /СТИР 591873634, паспорт рақами АА 4841659 Тошкент вилояти Пискент тумани ИИБ томонидан 24.03.2014 йилда берилган/, бундан буён матнда СОТИБ ОЛУВЧИ деб юритилувчи, иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздиқ:

1. Мен – СОТУВЧИ ўзимга тегишли бўлган Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Ипак йули кучасидаги 50-уйда жойлашган 51-квартирани сотдим, мен – СОТИБ ОЛУВЧИ ушбу квартирани сотиб олдим.

2. Сотилаётган квартира қуйидагилардан иборат:

Турт каватли пишган гиштли уйнинг, биринчи каватида жойлашган, 2 (иккита) яшаш хонаси, турар жой майдон 27.45 (йигирма етти бутун юздан қирк беш) м², 2-дахлиз, тахмон, ошхона, ювиниш хона, хожатхона, айвон, умумий фойдаланиш майдони 51.3 (эллик бир бутун ундан уч) м²;

Квартиранинг инвентарь баҳоси 39 767 760 (уттиз тукких миллион етти юз олтмиш етти минг етти юз олтмиш сўм бўлиб, ушбу ҳолатлар Тошкент вилояти ер тузиш ва кучмас мулк кадастри Давлат корхонаси Олмалик шаҳар филиалининг 2020 йил “24” январьдаги 25647613-сонли маълумотномаси билан тасдиқланади.

3. Сотилаётган квартира СОТУВЧИга Тошкент вилояти Олмалик шаҳар 1-сонли Давлат нотариал идорасининг нотариус Парпиева Г.Х. томонидан 11.05.2005 йилдаги 1958-рақами орқали расмий рўйхатдан утган Олди-сотди Шартномасига асосан тегишли бўлиб, Тошкент вилояти ер тузиш ва кучмас мулк кадастри Давлат корхонаси Олмалик шаҳар филиалида 2020 йил “08” январь куни, – -сонли кадастр китобига, 1727404/R-A736599-тартиб рақами билан, – -вароғига ёзилиб, 11-18-02-02-01-0011-0001-051 кадастр рақами билан рўйхатга олинган.

4. Юқорида кўрсатилган квартира тарафлар томонидан 40 000 000 (қирк миллион) сумга баҳоланиб, шу суммага сотилди ва ушбу пулни мен – СОТУВЧИ мазкур шартнома имзолангунга қадар СОТИБ ОЛУВЧИдан тўлиқ олдим. Биз, тарафлар, шартномада квартиранинг ҳақиқий баҳоси яширилганда, шунингдек қамайтириб қурсатилиши оқибатида низоли ҳолатлар келиб чиққанида жавобгарликни ўз зиммамизга оламиз.

5. Мазкур шартнома имзолангунга қадар тасарруф этилаётган квартира бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва сотилиши тақиқланмаган (маълумотнома рақами 25668424, 24.01.2020 йилда).

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 185, 479–482, 485, 488-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 9, 11, 32, 52-моддалари мазмуни биз – тарафларга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

7. Сотилаётган квартирада доимий пропискада туриб яшовчи ва фойдаланувчи фуқаролар мавжуд эмас. Ушбу ҳолат Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, ИИБ томонидан 21.01.2020 йил кунги маълумотномаси билан тасдиқланади.

8. Мен – СОТУВЧИ ушбу шартномада кўрсатилган квартиранинг қарзлари юзасидан даъво қилувчилар йўқлигини ҳамда коммунал хизматлар ва телефон тармоғи абонент тўловлари, халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув иссиқлик ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси, солиқ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун қарзим йўқлигини билдираман.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 185-моддасига асосан ушбу шартнома белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб СОТИБ ОЛУВЧИда мулк ҳуқуқи вуҷудга келади.

10. Биз – тарафлар шартнома матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари нотариус томонидан тушунтирилди ва бизга тушунарли, шартноманинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади. Мазкур шартномани тузиб, имзолаганимизда муомала лаёқатига эга бўлганимизни, ўз хатти-ҳаракатларимиз аҳамиятини тўлиқ тушунганлигимизни, ҳеч ким бизни алдамаганлигини, шартномани тузиб, имзолаш ҳақида зўрламаганлигини, тазйиқ ўтказмаганлигини, ушбу битимни тузишга мажбур қилишга олиб келган оғир ҳолатлар йўқлигини билдираман.

11. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси Тошкент вилояти Олмалик шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади, қолган нусхалар тарафларга давлат рўйхатидан ўтказиш учун берилди.

Имзолар:

1.

2.

KSh № 048266 TS

Тошкент вилояти Олмалик шаҳар

икки минг йигирманчи йил, январь ойининг, йигирма туртинчи куни.

Ушбу шартномани мен, Олмалик шаҳар Сунбула кучаси 20-уйнинг 3-квартирасида жойлашган Олмалик шаҳар 1-сонли Давлат нотариал идорасининг нотариуси **Манапов Абдувахоб Юлдашевич** томонларнинг эрки-продалари ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Шартнома менинг ҳузуримда имзоланди. Томонларнинг шахслари аниқланди, уларнинг муомалага лаекатлиликлари текширилди, яъни шахсий мулокат давомида уларнинг муомалага лаекатлиликлари шубҳа тугдирмайди, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаекатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йук.

Шунингдек, тасарруф этилаётган квартира фуқаро **Жураев Юлдошга** тегишлилигини текширилди.

Шартноманинг бир нусхаси KSh № 048266 TS гербли (махсус) бланкада расмийлаштирилди.

Реестрга 20200015600 0138 рақам билан қайд этилди.

Давлат божи 111 500 (бир юз ун бир минг беш юз) сум ундирилди.

Герб йигими 22 300 (йигирма икки минг уч юз) сум ундирилди

Пуллик хизмат 122 650 (бир юз йигирма икки минг олти юз эллик) сум ундирилди.

Нотариус:



МАНАПОВ А.Ю.